

tarmoqlariga investisiyani kengaytiradi, uni tez ishga solishga imkoniyat tug'dirmokda.

Ikkinchidan, foyda solig'i korxonalarning mablag'larini uy-joy kurilishiga sarflashga va ularni eksport hajmini oshirishdan foyda olishga qiziqtiradi. Chunki bunday foydalarining soliqdan ozod etish korxonaning moliyaviy ahvolini mustahkamlaydigan to'lov qobiliyatini kuchaytiradi.

Uchinchidan, foyda soliq imtiyozlariga amal qilish ishlab chiqish xarajatlarini kamaytirishga, sifatli ko'plab mahsulot ishlab chiqishga va budget daromadlarini oshirishga qulay shart-sharoit yaratmoqda.

To'rtinchidan, foyda solig'ini keljakda korxona daromadidan olinadigan soliq bilan birlashtirish imkoniyatlari ular tomonidan qo'lga kiritilishi mumkin bo'lgan iqtisodiy ko'rsatkichlarning o'sishiga bog'liq, chunki bunday soliq munosabatlari yuzaga keltirishga orqali ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarida sifat o'zgarishlarining ijobjiy tomonga siljilikshiga erishish mumkin.

Foyda soliq yukini pasaytirish orqali zamonaviy va ilg'or resurs tejovchi texnologiyalar asosida tovarlarni (mahsulotlarni) yuqori sifatli va iste'mol xususiyatlarini ta'minlashga yordam beradigan innovatsion texnologiyalar tizimi asosida innovatsion mahsulotlar ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish zarur. Samara keltiruvchi soliq imtiyozini amaliyotga joriy etish bo'yicha tezkor qaror qabul qilish maqbul soliq solish bazasini va foyda soliq stavkasini o'rnatish imkoniyatlari yaratadi. Har bir korxona samara keltiruvchi tezkor qaror qabul qilish orqali ishlab chiqarilgan tovarlar sifatini yaxshilash va innovatsion mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini oshirish mumkin.

Adabiyotlar

1. Мануйленко В. В., Садовская Т. А. Экономическая сущность, виды и функции прибыли хозяйствующего субъекта: современный аспект //Финансовая аналитика: проблемы и решения. – 2012. – №. 33. – с. 26.
2. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Курс лекций. – М.: ИНФРА-М, 1999. – с. 348.
3. Mardiasmo D. Taxation, Publisher Andi, Revition Edition, 2013. – p. 55.
4. Tashmuradov T. Soliq nazariyasi va tizimi. Darslik. –T.: Bilim, 2004. 320b.

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев Зафаржон Алижонович

Халқаро Нордик университети,
“Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш”
кафедраси профессори, DSc, доцент

Давлат солиқ сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб, мамлакат иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун оптимал даражасига эришилган солиқ юкини сақлаб қолишга асосланган ҳолда барча даражадаги бюджетлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборатdir. Мазкур

йўналишда самарали солиқ сиёсатини амалга ошириш кўп жиҳатдан худудлар барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга қодир бўлган солиқ потенциалини даражасига боғлиқдир. Солиқ потенциали ҳудудлар учун ўзига хос “хавфсизлик ёстиғи” бўлиб, солиқ потенциалини самарали баҳолаш, шакллантириш ва тегишли даражада сақлаш давлат бюджети даромадлари манбаси барқарорлигини муҳим шартидир¹⁹³.

Худуднинг солиқ потенциали даражасини юқори бўлиши, маҳаллий ҳокимият органларининг фискал сиёсат соҳасидаги молиявий мустақиллигини ва худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни молиялаштиришда ўз манбаларига эгалигини англатади. Бундан ташқари, давлат бюджети солиқли даромад тушуми прогнозини ишлаб чиқишида, юқори бюджетдан куйи бюджетларга ажратиладиган трансферлар аниқ миқдорини ўрнатишда ва фискал рисклар даражасини аниқлашда солиқ потенциалини баҳолашнинг илмий асосланган самарали методларидан фойдаланиш талаб қилинади.

Солиқ потенциали тушунчаси макроиктисодий категориялардан ҳисобланиб, солиқ потенциалининг даражаси ва унинг тўлиқ релизация қилиниши худуднинг ижтимоий фаравонлик билан таъминланиш даражаси ва сифатига боғлиқдир. Шу боисдан, солиқ потенциалини баҳолашга умумий ёндашувлар асосида самарали методни ишлаб чиқиш ҳамда солиқ потенциалига таъсир этувчи омиллар таркибини аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши, савдони очиқлиги ва хорижий ёрдам каби таркибий омиллар солиқ потенциалига сезиларли таъсир кўрсатади¹⁹⁴. Шу билан бирга бир қатор иқтисодчи олимларнинг томонидан, худуднинг солиқ потенциали таркибига ва даражасига таъсир кўрсатувчи омилларга географик, тармоқ, иқтисодий, молиявий, солиқ маъмурчилиги, қонунчилик ва маъмурий-бошқарув, сиёсий, ижтимоий демографик, ижтимоий-психологик, инфраструктуравий, инновацион, ахборот, институционал кабилар омиллар кўрсатиб ўтилган¹⁹⁵.

Умуман олганда, солиқ потенциалини баҳолашда таъсир этувчи омиллар сифатида турли маълум бир кўрсаткичлар, жумладан, аҳоли жон бошига даромад, солиқ ставкаси, солиқ базаси, худудий ялпи ички маҳсулот ва бошқалар ҳисобга олинишини таъкидланган. Бундан ташқари, солиқ потенциалига инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, қимматли қоғозлар ва молия бозорини ривожлантириш, миллий иқтисодиёт миқиёсида

¹⁹³Мурзина Е.А., Ялялиева Т.В., Шемякина М.С., 2019. Понятие «налоговый потенциал» и подходы к его определению./Вестник Евразийской науки.№4, <https://esj.today/PDF/16ECVN419.pdf>.

¹⁹⁴Gupta A.S. 2007. Determinants of tax revenue efforts in developing countries //IMF Working Paper. <https://www.imf.org/external/pubs>.

¹⁹⁵Шабашев, В.А., Маликайдаров, Т.Т., 2015. Понятие налогового потенциала региона и проблемы его развития. <https://www.elibrary.ru/download/elibrary..>

инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва солиқ имтиёзларини камайтириш каби омиллар таъсири юқорилиги келтирилган¹⁹⁶. Ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш бўйича амалга оширилган регрессион таҳлил натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот, асосий капиталга инвестициялар, ўз кучи билан реализация қилинган товар (ишхизматлар) ҳажми, аҳоли сони, аҳоли реал пул даромадларининг таъсири юқорилиги аниқланган¹⁹⁷.

Шунингдек, солиқ потенциалига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш бўйича республикадаги 14 та ҳудуд кесимида 2012-2023 йиллар давридаги маҳаллий бюджет солиқ даромад тушумлари, ҳудудий ялпи ички маҳсулот, асосий капиталга киритилган инвестициялар, кичик бизнес субъектлар сони (дехқон ва фермер хўжаликлардан ташқари), ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, ялпи саноат маҳсулоти, иқтисодиётда банд аҳоли сони, аҳоли жон бошига умумий даромад суммаси тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган амалга оширилган таҳлил натижасида, ҳудуднинг солиқ потенциали ўсишига ҳудудий ялпи ички маҳсулот ҳажми, асосий капиталга инвестициялар ҳажми, кичик бизнес субъектлари сони, ялпи саноат маҳсулоти ҳажми, иқтисодиётда банд аҳоли сони ва аҳоли жон бошига умумий даромад суммаси ижобий таъсир қўрсатиши¹⁹⁸.

Шуни таъкидлаш керакки, олинган таҳлил натижаларига кўра, ҳудуднинг солиқ потенциали даражасига ҳудудий ялпи ички маҳсулот ҳажми ва иқтисодиётда банд аҳоли сони ортишиши таъсирининг жуда юқорилиги кўриш мумкин. Солиқ потенциалига омиллар таъсирини баҳолаш юзасидан амалга оширилган регрессон таҳлил натижалари олиб борилган таҳлиллар натижалари билан солиштирганда хусусан, ҳудудий ялпи ички маҳсулот ҳажми, банд аҳоли сони, аҳоли даромадларини ўсиши солиқ потенциали даражасини оширишда муҳим омиллардан ҳисобланишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Албатта, таҳлилда кўриб чиқилган бошқа омиллар, кичик бизнес, асосий капиталга инвестициялар қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари каби омилларнинг ҳудуд солиқ потенциалига таъсирини статистик аҳамияти қўп жиҳатдан солиқ солиш тизими билан боғлиқдир. Жумладан, ижтимоий соҳадаги асосий капиталга инвестициялар ҳажмини кўпайиши, ўз навбатида инвестицияни ҳудуд солиқ потенциалига таъсири статистик аҳамиятини пасайтиришга олиб келади.

Солиқ потенциали ҳудудларнинг иқтисодий структураси ва солиқ солинадиган манбалар билан таъминланиши билан тавсифланиб, бу солиқ солиш базалари билан белгиланиб, ўз навбатида, солиқ тушумлари солиқ

¹⁹⁶Мейлиев О.Р.2019. Маҳаллий бюджет даромадларига солиқ имтиёзларининг таъсири. Ҳалқаро молия ва ҳисоб электрон журнали. <https://uzjournals.edu.uz/interfnance>.

¹⁹⁷Евстафьев А.Х. 2016. Налоговый потенциал региона: оценка и прогнозирование (на примере республики Татарстан). Вопросы региональной экономики 3 (28). С. 97-105. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=27315659>.

¹⁹⁸Abdullaev, Z. A. Assessment of Factors Influencing Tax Potential. Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance 2025, 6(1), 152-159.

потенциалининг реализация қилинган қисми сифатида қаралади. Солиқ потенциали-бу ҳудуд ресурслари ва унинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши ўртасидаги мувозанати шароитида маълум давр учун бюджетга солиқ тушумларининг максимал мумкин бўлган миқдоридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мурзина Е.А., Ялялиева Т.В., Шемякина М.С., 2019. Понятие «налоговый потенциал» и подходы к его определению./Вестник Евразийской науки.№4, <https://esj.today/PDF/16ECVN419.pdf>.
2. Gupta A.S. 2007. Determinants of tax revenue efforts in developing countries //IMF Working Paper. <https://www.imf.org/external/pubs>.
3. Шабашев, В.А., Маликайдаров, Т.Т., 2015. Понятие налогового потенциала региона и проблемы его развития. <https://www.elibrary.ru/download/elibrary>.
4. Евстафьева А.Х. 2016. Налоговый потенциал региона: оценка и прогнозирование (на примере республики Татарстан). Вопросы региональной экономики 3 (28).С. 97-105. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=27315659>.
5. Мейлиев О.Р.2019. Маҳаллий бюджет даромадларига солиқ имтиёзларининг таъсири. Халқаро молия ва ҳисоб электрон журнали. <https://uzjournals.edu.uz/interfnance>.
6. Abdullaev, Z. A. Assessment of Factors Influencing Tax Potential. Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance 2025, 6(1), 152-159.

ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ ВОВЛЕЧЕННОСТИ ГРАЖДАН В ПРОЦЕСС ФОРМИРОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА

Абдуллаева Шахло Рустамовна

к.э.н., доц. кафедры «Цифровая экономика и финансы»

Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова

Ахмедова Фазилат Джамалиддиновна

научный соискатель кафедры

«Цифровая экономика и финансы»

Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова

Одним из значимых направлений совершенствования системы государственных финансов является развитие модели инициативного бюджетирования, посредством вовлечения населения в процесс принятия решения по использованию бюджетных средств. Данный механизм обеспечивает усиление принципа прозрачности бюджета, способствует повышению финансовой грамотности и уровня доверия населения, развитию культуры налогоплательщика, осознающего целевое использования государственных ресурсов.